
ФАРҶОНАДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ТАШКИЛ ТОПГАННИНГ 27 ЙИЛЛИГИ ТАНТАНАЛИ НИШОНЛАНДИ

Ҳар йили мамлакатимизда 4 март – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташкил топган кун сифатида нишонланади. Бугун Фарғона вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармасида ушбу сана муносабати билан тантанали байрам тадбири ўтказилди.

Байрам тадбирида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари ҳамда соҳа ходимлари қатнашдилар.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бошқарма шахсий таркибини касб байрами билан қутлаб, айти кунларда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, хусусан, вазирликнинг вилоят бошқармаси тизимида юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган хизматчиларга алоҳида миннатдорлик билдирди.

Вазирлик ташкил топганлигининг 27 йиллик байрами муносабати билан вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармасининг бир гуруҳ фаол ходимлари самарали ва садоқатли хизматлари учун вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Вилоятимиз санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар, гўзал рақслар барчага кўтаринки кайфият бахш этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-03-04 21:12:18